

565 - сон билан
рўйхатга олинган
15.04.2014 ў.

"Асака" банк (ОАЖ) Бошқарувининг
2014 йил " 11 " апрели даги

86 - сонли Баённомаси билан

"ТАСДИҚЛАНГАН"

"Асака" банк (ОАЖ)нинг Ишлар бошқармаси тўғрисидаги Низом

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, Марказий банкнинг бошқа меъёрий ҳужжатлари ҳамда "Асака" банк (ОАЖ)нинг ички меъёрий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом "Асака" банк (ОАЖ) (матн бўйича кейинчалик- Банк) Ишлар бошқармасининг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлигини белгилаб беради.

3. Ишлар Бошқармаси (матн бўйича кейинчалик - Бошқарма) ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг меъёрий ҳужжатларига, Банкнинг Уставига ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларига ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилади.

II. Бошқарма таркибий тузилмаси

4. Бошқарма Банкнинг мустақил бўлинмасидир ва бевосита мутасадди Банк Бошқаруви Раисининг ўринбосарига бўйсунди.

5. Бошқармага Банк Бошқаруви Раисининг буйруғи асосида лавозимга тайинланадиган ёки лавозимидан озод қилинадиган Бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади. Бошқарма бошлиғи лавозимига олий маълумотга эга, ушбу соҳада ишлаган даври 5 йил муддатдан кам бўлмаган шахс тайинланади.

6. Ишлар бошқармасининг таркиби ва штат бирлиги Банк Бошқаруви Раиси томонидан тасдиқланади. Бошқарма таркибий тузилмалари Низомлари ушбу Низомга илова қилинади ва ушбу Низомнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7. Ишлар бошқармаси таркибига қуйидаги бўлимлар ва сектор киради:

Биодан фойдаланиш бўлими;

Таъминот бўлими;

Транспорт бўлими;

Кўчмас мулк сектори.

8. Бошқарма ходимлари ўртасидаги вазифалар лавозим йўриқномаларида ўз аксини топади, Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади ҳамда ушбу Низомнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

III. Вазифалари

9. Ишлар бошқармаси таркибий тузилмаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Биодан фойдаланиш бўлими:

Банк бино ва хоналари санитария ҳолатини, ободончилик ва ёнғинга қарши қонун-қоидалар асосида сақлаш, Банк биноси ёруғлигини, иситишни ва Банк ходимларига иш шароитини таъминлаш;

Банк ҳудудини озода ва тартибли сақланишини таъминлаш;

Банк ҳудудидаги экинзор ва дарахтларни парвариш қилиш ишларини ташкил қилиш;

Банк биносида архитектура ва бадиий безатилиши ишларини таъминлаш;

Банк ходимларини меҳнат муҳофазаси қоидаларига асосан махсус кийим-кечак, пойафзал ва санитария-гигиеник жиҳозлар (сочиқ, совун, шампун, кир ювиш кукунлари ва бошқалар) билан таъминлаш;

Банк биносидаги мебелларни (стол, курси, кресло, жовон ва бошқалар) ва буюмларни таъмирлаш ва тозалигини таъминлаш;

Банк хоналари ўз вақтида дезинфекция қилинишини, Банк ҳудуди ва хоналари санитария ҳолатини тозалаш ишларини ташкил қилиш;

Банк биноси жиҳозлари (деразалар, эшиклар, пол, мебел ва бошқалар) ва хўжалик инвентарлари соз ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Таъминот бўлими:

Департаментлар, бошқармалар, бўлимларни ва Банк эҳтиёжи учун керакли моддий ресурслар билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлаш ишларини ташкил қилиш;

корхоналар ва фирмалар билан шартномаларни тузишни, Банк бўйича белгиланган тартибда ташкил қилиш ва амалга ошириш, ташкилотлар билан шартнома шартларини ва шартномада кўрсатилган муддатда бажарилишини таъминлаш;

махсус бланкалар, китоблар, муҳр ва штамплар тайёрлаш юзасидан турли корхоналар, фирмалар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан тегишли ишларни олиб бориш;

департаментлар, бошқармалар ва мустақил бўлимлар учун қоғоз, девонхона моллари, Банк материаллари ва электр-хўжалик молларига бўлган талаблар асосида лимитлар ишлаб чиқиш ва сотиб олишни ташкил қилиш;

зарур ҳолатларда хўжалик молларининг нархи ва тайёрлаш сифатини ҳисобга олиб, вилоят филиалларига товар-моддий бойликларини сотиб олишда кўмаклашиш ишларини амалга ошириш;

божхона, аэропорт, темир йўлларнинг юк турадиган ҳовлиларидан ва омборларидан Банк номига келган юкларни ўз вақтида олиб чиқиш ишларини ташкил қилиш;

Банк ходимлари ва Банкка келган меҳмонлар учун чипталарга олдиндан буюртма бериш ва сотиб олиш;

Банк ходимларининг чет эл хизмат сафари билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш;